

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 19 январь, № 13 (7243) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлиб, «Жўшқин Гужарат – 2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди.**

Давлатимиз раҳбари 18 январь куни Гандинагар шаҳрида "Жўшқин Гужарат — 2019" халқаро саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Бош вазир Президентимизни Ҳиндистонга яна бир бор ташрифи билан самимий қутлар экан, нуфузли Ўзбекистон делегациясининг саммит ишидаги иштироки учун чуқур миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга ташрифи олий даражадаги мулоқотнинг мантиқий давоми, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва шериклик муносабатларининг яна бир ёрқин далилидир.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили октябрь ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимларнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалалар, шунингдек, икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ташрифдан сўнг ўтган қисқа вақт давомида барча йўналишдаги ўзаро алоқалар фаоллашгани қайд этилди.

Ўтган ҳафта Самарқанд шаҳрида "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг Афғонистон иштирокидаги биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Тошкентда қўшма Тадбиркорликни ривожлантириш маркази ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимизда Ҳиндистон саноат конфедерацияси ваколатхонаси очилиши кўзда тутилмоқда.

Саммит арафасида Гужаратда Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан Тошкент шаҳрида илғор ахборот технологиялари технопарки, Андижон вилоятида фармацевтика зонаси ташкил этилмоқда.

Ҳиндистон Эксимбанки билан Ўзбекистонда ижтимоий муҳим лойиҳаларни молиялаштириш учун қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияси ажратиш бўйича келишувга эришилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртлари — Амити ва Шарда университетлари ўз ишини бошлайди.

Давлат раҳбарлари ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, заргарлик саноати, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик инфратузилмасини модернизация қилиш ва бошқа йўналишлардаги устувор лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларининг амалий ижросини жадаллаштириш зарурлигини қайд этди.

Маданий-гуманитар алмашувни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни фаол ривожлантириш йўлида қатъий эканликларини таъкидладилар.

Учрашув сўнгида Ҳиндистонга уран етказиб бериш бўйича имзоланган узоқ муддатли келишувни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Гандинагар шаҳридаги "Маҳатма Мандир" кўргазмалар мажмуасида "Жўшқин Гужарат — 2019" IX халқаро инвестиция саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Австралия, Канада, Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия, Польша, Корея Республикаси, Дания, Чехия, Мальта, Таиланд, БАА каби мамлакатлардан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар бошлиқлари, экспертлар иштирок этди.

Йирик иқтисодий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Гужарат штати қадимдан савдо ва тадбиркорликда етакчи ҳудуд бўлиб келгани, мазкур саммит ана шу анъаналарни давом эттириб, замонавий Ҳиндистоннинг бизнес руҳини намоён қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шерикликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида қайд этиб, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

— Эрамиздан аввалги III-II асрларда ҳинд заминини Марказий Осиё билан Буюк Ҳиндистон йўли боғлагани яхши маълум. Бугун ҳам Марказий ва Жанубий Осиё бозорлари ўртасидаги ишончли савдо ва транспорт коммуникацияларини яратиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Биз Трансафғон темир йўли лойиҳасини муҳокама қиляпмиз. Истиқболда бу йўл Жанубий Осиёга, жумладан, Чохбаҳор порти орқали Ҳиндистонга чиқиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари, дастурий таъминот, қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия ҳамда ушбу соҳалар учун мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этди. Бу бўйича дастлабки ҳаракатлар бошланган.

Сармоядорларни Ўзбекистонга жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон, аввало, кимё саноати ва энергетика, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, туризм соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор.

— Гужаратнинг улкан иқтисодий салоҳияти ва Андижон вилояти билан шериклик алоқаларидан келиб чиқиб, шоҳ Бобур туғилган ва улуғ Акбаршоҳ аждодларининг ватани бўлмиш Андижонда Ўзбекистон — Ҳиндистон минтақалари бизнес форумини шу йили ўтказишни таклиф қиламиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Ҳиндистонда "Ўзбекистон маданияти йили"ни ҳамда Ўзбекистонда "Ҳиндистон маданияти йили"-ни ўтказиш, жорий йилда юртимизда Ўзбекистон — Ҳиндистон Ёшлар фестивалини ташкил қилиш таклифини илгари сурди.

Президентимиз сўзининг якунида юртимизнинг саноат, инвестиция ва сайёҳлик салоҳияти, бой тарихи ва маданияти ҳақида танишиш имконини берувчи саммит доирасида ташкил этилган Ўзбекистон кўргазмасига барчани таклиф қилди.

"Жўшқин Гужарат — 2019" саммитида сўзга чиққанлар ҳамкор мамлакатлар ўртасида ўзаро тажриба ва технология алмашиш, янги шериклар ва инвестициялар жалб этиш йўлларини топиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига амалий ташрифи якунига етди.

**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Гандинагар — Тошкент

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини жадал ривожлантириш, нодавлат ташкилотлар томонидан суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этишга рухсат бериш ва уларга 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ суд экспертизаларининг айрим турларини ўтказиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини пуллик асосда 2-иловага мувофиқ давлат муассасаларида ўтайдилар;

суд экспертизаси соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тамомлаган шахсларга уларнинг касбий лаёқатини ва суд экспертларига тегишли ихтисослик бўйича қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи суд эксперти сертификати берилади;

суд эксперти сертификатини олган шахслар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириладиган Ягона реестрга киритилади;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд эксперти томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда суд эксперти сертификатини олмасдан туриб суд экспертизаси ўтказилишига йўл қўйилмайди;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд-экспертиза муассасалари каби функцияларни амалга оширади, улар каби ҳуқуққа эга бўлади, мажбуриятларни бажаради ва жавобгар ҳисобланади;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилган суд экспертизаси хулосасига қўшилмаган тақдирда, такрорий суд экспертизаси фақат давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан унинг расмий веб-сайтида белгиланган тартибда жойлаштириладиган нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари рейтинги юритилади.

3. 2019-2020 йилларда суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 2-бетда).**

---

## АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМГА ЎТИЛМОҚДА

**2019 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.**

«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак». Президент Шавкат Мирзиёевнинг эл-юртимиз қалби ва онгидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланди. Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги залворли ишлар айнан ана шундай эзгу ва ҳаётбахш ғоялар асосида олиб борилиб, тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомила янги тизимга асос солингани, халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари институти яратилгани, шубҳасиз, марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Халқ қабулхоналари халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини ушалтириш мақсадида ташкил этилгани боис эл-юртимиз ҳаётидан, мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнидан тез фурсатда ўзининг муносиб ўрнини топиб, ҳар бир ҳудуд ҳамда соҳадаги реал манзарани, асл ҳолат ва мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал қилиш йўлида янги ғоялар, амалий таклиф ва ташаббуслар юзага келадиган, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқиладиган марказларга айланиб бормоқда.

Ўтган даврда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ёрдамида 2 миллион 500 мингдан зиёд кишилар ўзларини қийнаб келаётган муаммоларга ечим, ўйлантираётган саволларга жавоб топгани уларнинг халқимиз мушкулини осон, оғирини енгил қилиш, жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда амалий аҳамияти нақадар юқори бўлаётганини яққол кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, мурожаатлар қонуний ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлашда самарали механизмга айланиб, амалда ўзини тўла оқлади. Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Замон билан ҳамқадам бўлиш, керак бўлса, ундан бир қадам илгари одимлаш — бугунги кун талаби.

**(Давоми 2-бетда).**

---

## ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ ҲИНДИСТОНДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**«Жўшқин Гужарат — 2019» халқаро инвестиция саммити доирасида Гандинагар шаҳридаги «Маҳатма Мандир» кўргазмалар мажмуасида турли семинарлар, соҳалар бўйича янги трендлар ва тенденцияларни белгилаб берувчи музокаралар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси иштирокида ташкил этилган семинарда мамлакатимизнинг бугунги қиёфаси, янги мақсадлари, имконият ва салоҳияти ҳақида тақдимот ўтказилди.

Ўзбекистонда инвесторлар учун барча шароит яратилиб, кенг имтиёзлар берилаётгани, улар ҳуқуқий ҳимоя қилиниши ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатаётгани, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилаётгани, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, тўқимачилик, туризм каби соҳаларда инвестициялар жалб қилинаётгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда инвестицион муҳитдаги ижобий ўзгаришлар туфайли бизнеснинг турли йўналишларида жаҳон брендлари Ўзбекистон бозорига кириб келаётгани ҳақида сўз юритилди. Ҳинд ишбилармонларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

---

Россия матбуоти:

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФАОЛЛАШУВИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПРАГМАТИК СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ АМАЛГА ОШМОҚДА»



НЕЗАВИСИМАЯ

*Расмий Тошкентнинг янгиланган ташқи сиёсати жаҳон оммавий ахборот воситалари ва таниқли экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Хусусан, Россиянинг нуфузли нашрларидан бири — "Независимая газета"нинг навбатдаги сонида мамлакатимизнинг янги дипломатияси ҳақида туркум мақолалар чоп этилди.*

Улардан бири Самарқандда ўтказилган "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг Афғонистон иштирокидаги биринчи учрашувига бағишланган.

Мақолада қайд этилишича, ташқи ишлар вазирлари Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дўстона ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга оид кенг кўламли масалаларни муҳокама қилди.

→ 3

---

## НЕМИС САРМОЯДОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШИ НИМА САБАБДАН КЕСКИН ОРТДИ?

*Германия оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда кузатилаётган янгиланишлар ҳақида кўплаб телелавҳалар, радиоэшиттиришлар, таҳлилий мақолалар берилмоқда.*

Deutsche Welle

Жумладан, **"Deutsche Welle" радиостанцияси** "Ўзбекистонда амалга оширилган бозор ислоҳотлари мамлакатнинг немис сармоядорлари учун жозибадорлигини таъминлади", деб ёзади.

*"ГФР ишбилармон доираларининг сўзларига қараганда, Шавкат Мирзиёев 2016 йили Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланиб, кенг кўламли ислоҳотлар бошлагандан сўнг немис инвесторларининг мамлакатга қизиқиши кескин ортди... Жаҳон банки Ўзбекистонни энг фаол ислоҳотлар олиб бораётган давлатлардан бири сифатида эътироф этмоқда".*

Журналистларнинг таъкидлашича, Германиянинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётгани икки мамлакат товар айирбошлаш ҳажмининг жадал ўсиб бораётганида ҳам намоён бўляпти. Экспорт ҳам, импорт ҳам изчил суръатларда ошаётир.

"...Ўзбекистон катта салоҳиятга эга, — дейди "Deutsche Welle". — Республика аҳоли сони бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллаб, тараққий топган саноатга, бой табиий ресурслар ва малакали ишчи кучига эга. Мамлакатда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарда имтиёзли солиқ ва божхона тартиби ўрнатилган".

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан пуллик хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Марказнинг янги бўлинмаларини ташкил этиш ва қўшимча штатлар бирлигини жорий қилиш;

Марказ томонидан бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар бўйича тарифлар, нархлар ва қийматларни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари 2022 йил 1 январга қадар уларнинг фаолиятини таъминлаш учун четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, реактивлар ва сарфлаш материаллари учун "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКнинг ижобий хулосаси олинган тақдирда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентлари бир ярим баробар миқдорда қўлланилади;

ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Марказга кўрсатилган пуллик хизматлардан тушадиган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмини Марказ ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирлари учун Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига йўналтиришга рухсат берилсин.

7. Илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш, суд экспертизаларини ўтказиш услубиётини такомиллаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасалари Марказнинг тегишли бўлим ва лабораторияларига 4-иловага мувофиқ бириктирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказга малакали мутахассислар орасидан суд экспертларини танлаб олишда кўмаклашсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар Марказнинг ихтисослаштирилган янги биноси белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинишини таъминласин.

9. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ходимлари суд экспертининг мустақиллиги тамойилларига сўзсиз риоя қилишлари ҳамда суд экспертларининг профессионал фаолиятига ҳар қандай кўринишларда, шу жумладан, ортиқча бюрократик сансалорлик ҳолатларини юзага келтириш ва асоссиз чақирувлар орқали таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 январь

# АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМГА ЎТИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, биз яшаётган ҳозирги шиддатли давр, олдимизга қўйган улкан мақсадлар барча соҳаларда бўлгани каби мазкур муҳим йўналишда ҳам ўтган қисқа даврда орттирилган ижобий тажрибаларни янада такомиллаштириш, уни мазмун жиҳатидан ривожлантиришни талаб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ана шу долзарб масалага алоҳида тўхталиб, Халқ қабулхоналари фаолиятида **мутлақо янги тизимга — сифат жиҳатидан янада юксак босқичга** ўтилиши ҳақида маълум қилган эди. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, давлатимиз раҳбарининг давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролар билан бевосита ишлашга ўтишини, уларнинг халққа, жумладан, тадбиркорлик субъектларига яқин кўмакчи бўлишини, Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган **"Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди.

Хўш, бу Фармоннинг қабул қилиниши қандай сабаб-омиллар билан боғлиқ? Мазкур соҳадаги қандай муаммолар мазкур ҳужжатга асос бўлди? Ушбу йўналишдаги ўзгаришлар қайси жиҳатларда намоён бўлади?

Фармон муқаддимасида қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига кейинги икки йилда 2,5 миллиондан ортиқ мурожаатлар келиб тушгани, Республика ишчи гуруҳлари томонидан уйма-уй юриш, ижтимоий соҳа ва бошқа объектларни ўрганиш натижасида яна 1,1 миллиондан ортиқ турли муаммолар аниқлангани жойларда ечимини кутаётган масалалар кўплигини, айримлари ўрта ва қуйи бўғиндаги ташкилотлар даражасида ҳал этилмаётганини кўрсатмоқда. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинганда бир қатор камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди.

Аввало, мурожаатлар билан ишлашнинг амалдаги тизими аҳолининг мавжуд муаммоларини тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал қилиш имконини бермаётганини таъкидлаш жоиз. Аниқланган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этишда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Халқ қабулхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ягона механизми мавжуд эмаслиги барча бўғиннинг яхлит организм каби ўзаро уйғун ишлашига имконият бермаяпти. Шу боис ҳам тегишли ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар, жойларда аниқланган бошқа муаммолар етарли даражада акс эттирилмаяпти. Боз устига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ ҳамда сифатли бажаришга етарли эътибор қаратмаяпти.

Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, Президент Фармонига мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, **Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинмоқда.**

Мазкур янги тизимнинг биринчи жиҳати — Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда **уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилинишини таъминлайди**. Яъни, энди Халқ қабулхоналари маълум муаммо юзасидан мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди.

Бунга сабаб бўлган асосий омил — мурожаатлар билан ишлашнинг амалдаги тизими аҳолининг мавжуд муаммоларини тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал қилиш имконини бермаётгани билан боғлиқ. Чунки барча давлат органлари каби Халқ қабулхоналари ҳам ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш амалиётидан фойдаланиб келмоқда. Лекин мавжуд мурожаатлар таҳлили аҳоли, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш объектларидаги муаммоларни тўлиқ қамраб олиш ва аниқлаш имконини бермаяпти. Қолаверса, одам ариза ёки шикоят билан мурожаат қилмаса, бу унда умуман муаммо йўқ, дегани эмас. Айниқса, сабр-қаноат ва шукроналикни ҳаёт мазмуни, ориятu ғурурни улуғ қадрият даражасида эъзозлайдиган халқимиз ўртасида дарду ташвиши қийнаб турган бўлса-да, бу ҳақда маҳалла-кўй, мутасадди идора ва ташкилотларга мурожаат қилишни ўзига эп кўрмайдиган, истиҳола қиладиганлар кўп. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш соҳасида янги даврга қадам қўйилмоқда. Бундан буён давлат органлари Халқ қабулхоналари бошчилигида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон, ҳар бир оила муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилиш чораларини кўради. "Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал" деганларидек, муаммо ҳақида кимдир мурожаат қилиб келишини кутиб ўтирмасдан, халқ ичига, одамлар орасига чуқур кириб бориб, улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, ҳал қилиш янги тизимдан кўзланган бош мақсад ҳисобланади. Бинобарин, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи катта бўлиб, бундай суҳбатлар жараёнида қоғозларга сиғмай қолган тафсилотлар ойдинлашади, ортиқча оворагарчиликларсиз у ёки бу масалага дахлдор янги маълумотларни аниқлаштириб олиш имконияти катта бўлади.

Яна ҳам муҳим бир жиҳат борки, бу ҳақда алоҳида айтиб ўтиш айни муддаодир. У ҳам бўлса, бундай иш тизими наинки одамларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишда, балки уларнинг юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, давлатимиз ва жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларини жамлашда ҳам таъсирчан воситага айланади.

Мазкур Фармонда белгиланган **яна бир янгилик** — энди туман ва шаҳарлардаги **Халқ қабулхоналари бошчилик қиладиган секторлар штаблари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳудудларни маҳалла ва хонадонлар, оилалар кесимида таҳлил қилиб**, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан **қисқа (1 йиллик)** ва **ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантиради**. Бунда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси қисқа муддатли — бир йилга мўлжалланган манзилли **тадбирлар режалари** ижросини таъминлайди, Халқ қабулхоналари ва Президент Администрацияси бўлинмалари эса мазкур **тадбирлар режалари** ижросини назорат қилади.

**Ўрта муддатли манзилли тадбирлар режалари**, давлат инвестиция дастурлари, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва Давлат дастурлари, халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни ишлаб чиқишда Президент виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларда акс этган тизимли муаммолар инобатга олинади. Яъни энди ҳар қандай дастурни ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмайди, бунда ҳар бир лойиҳа бевосита одамлар йўллаган мурожаатлар таҳлилига, реал ҳаёт манзараси ва халқ талаб-истакларига асосланади.

Фармонда белгиланганидек, Халқ қабулхоналари ҳудудлардаги ижтимоий муҳитни ўрганиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилишда жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларни жалб қилган ҳолда **очиқлик, шаффофлик ва холисликни таъминлаш** чораларини кўради. Бунда, айниқса, Халқ қабулхоналарининг оммавий ахборот воситалари билан бирга жамиятдаги муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши ноҳақдан ҳақни ажратиш, ҳар қандай масалага объектив ёндашиш имконини беради.

Бугун **"Обод қишлоқ"** ва **"Обод маҳалла"** дастурлари мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мазкур дастурлар амалда ўз натижасини бериши учун уларга, биринчи навбатда, энг оғир ва мураккаб шароитдаги аҳоли пунктларини киритиш лозим. Бу борадаги реал манзарани аниқлаш учун эса Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш зарур. Шу боис давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, энди "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган аҳоли пунктлари рўйхатини Халқ қабулхоналари билан келишилган ҳолда шакллантириш белгилангани, авваламбор, оғир ва энг мураккаб жойларни обод қилиш имконини беради.

Яна бир янгилик — Халқ қабулхоналари секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилиш учун ҳар чоракда ахборот киритади ҳамда ушбу ахборот юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботи эшитилади. Айни мана шу механизм ҳудудларда мурожаатлар билан ишлаш борасидаги хато-камчиликлар камайишига хизмат қилади, раҳбарларнинг халқ олдида ҳисоб бериш тизимини янада самарали йўлга қўйиш имконини яратади.

Бунда республика даражасида ҳал этиладиган муаммолар тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасига ҳал қилиш учун киритилади.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналарига бир қатор қўшимча вазифалар ҳам юклатилди. Хусусан, энди Халқ қабулхоналари секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш борасидаги фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириб боради.

Ҳудудларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, оммавий ва сайёр қабуллар ўтказиш тизимини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш эса бундай тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Яна бир жиҳати, мазкур Фармон асосида Халқ қабулхоналарининг маҳаллалар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишда иштирок этиши бундай ҳужжатларда мурожаатларда кўтарилган муаммолар кенгроқ акс эттирилиши учун пухта замин яратади.

Ҳар доим эътиборимиз марказида бўлиб келаётган долзарб масала — ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмаклашиш масаласи бўйича Фармонда тегишли вазифалар белгилаб берилган. Бундан буён давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мазкур йўналишдаги ишларини мувофиқлаштириш Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилади.

Халқ қабулхоналари ўзининг фаолият йўналишлари бўйича жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиши юзасидан белгилаб қўйилган вазифалар улар фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан жамоатчиликни мунтазам хабардор қилишда янги имкониятлар яратиб беради.

Қайд этилган бундай кенг кўламли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун Халқ қабулхоналарига бир қанча имкониятлар ҳам берилмоқда. Масалан, Халқ қабулхоналари секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, мурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятини тизимли ўрганиш, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек, секторлар фаолиятини баҳолашда иштирок этади.

Халқ қабулхоналарига секторлар штаби таркибига киритилган давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахслари ва ходимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш бўйича юқори турувчи давлат органларига таклиф киритиш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Шулар қаторида давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан фаолият учун зарур бўлган ахборот ҳамда ҳужжатларни сўраш ва олиш, уларнинг мутахассисларини жалб қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан улар фаолияти ва кўрсатадиган хизматларига оид тартиб-қоидаларнинг аҳолига тўлиқ ва тезкор етказилишини таъминлашга қаратилган чоралар кўриш ҳуқуқи берилди.

Табиийки, бундай муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажариш учун салоҳиятли кадрлар зарур. Шу муносабат билан Фармонда Халқ қабулхоналари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлари таркибини аҳоли билан бевосита ишлаш учун зарур бўлган билимга, ташкилотчилик ва таҳлил қилиш қобилиятига, юксак маънавий-ахлоқий ва психологик фазилатларга эга бўлган малакали мутахассислар билан таъминлаш, мунтазам равишда малака оширишини йўлга қўйиш, фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шулар қаторида Халқ қабулхоналарининг янгиланган низоми, уларнинг секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби, Халқ қабулхоналари фаолиятини баҳолаш тартиби ва мезонларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Мисол учун, Халқ қабулхоналарининг аҳоли муаммолари билан ишлаш самарадорлиги индексини аниқлашда уйма-уй юриш орқали ўрганиб чиқилган уй хўжаликлари, ижтимоий ва бошқа объектлар, муаммоларнинг ҳудуд даражасида ҳал этилиши ҳолати, республика даражасида ҳал этилиши, белгиланган муаммоларга ечим топиш учун зарур чоралар кўриш даражаси, муаммони ҳал этишнинг ўртача муддати каби мезонларга таянилиши режалаштирилган.

Президент Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш асносида энди маҳаллалар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати у ердаги ижтимоий инфратузилма, иқтисодий вазият, ижтимоий муҳит, ижтимоий соҳа объектларининг ҳолатидан келиб чиқиб, "намунали", "яхши" ва "қониқарсиз" тоифаларга ажратилган ҳолда баҳоланади. Бу шундан далолат берадики, бундан буён турли дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда, биринчи навбатда, энг оғир ҳудудларга эътибор қаратилиб, муаммоларни ечиш чора-тадбирлари кўрилади.

Шунингдек, Фармонда уй-жойлар, йўл қурилиши, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви тармоқлари, канализация ва бошқа коммунал хўжалик объектлари, ижтимоий соҳа масканларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда бошқа давлат дастурлари, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида туман ва шаҳар кесимида жойлаштирилиши ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлаш бўйича аниқ кўрсатма берилган.

Фармонда яна бир муҳим масала ечими кўрсатиб ўтилгани катта амалий аҳамиятга эга. Бунга кўра, "Hudud" ахборот тизими янада такомиллаштирилиб, унга барча Халқ қабулхоналари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар интеграция қилинади. Натижада Халқ қабулхоналари ходимлари, секторлар штаблари аъзолари турли ҳужжатларни тўлдириш, юритиш, сақлаш, расмийлаштириш каби ишлардан халос бўлиб, асосий вақтини фуқаролар билан кўпроқ бевосита мулоқот қилиш, муаммоларни жойида ўрганиш учун узоқ ҳудудларга чиқиш ишларига сарфлаш имконияти кўпроқ бўлади.

Мазкур чоранинг мантиқий давоми сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари фаолияти ҳамда улар кўрсатадиган хизматларга оид тартиб-қоидалар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мобиль иловалар, веб-сайтлар, электрон тўлов воситалари орқали аҳолига тўлиқ ва тезкор етказилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилиши фуқароларимизнинг ҳам вақтини, ҳам маблағини тежашга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, 2019 йилнинг 1 июлига қадар барча давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари веб-сайтларини, 2020 йилнинг 1 январига қадар туман ва шаҳар бўлинмалари веб-сайтларини ташкил қилиш вазифаси қўйилгани фуқароларга давлат органларининг ҳудудий бўлинмаларига бевосита электрон мурожаат қилиш имкониятини яратади.

**"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак".** Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олаётган ушбу тамойил юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин яратмоқда. Бугун пойтахт Тошкент шаҳридан то мамлакатимизнинг энг узоқ ҳудудида яшаётган юртдошимизга қадар ислоҳотларнинг реал натижасини ўз ҳаётида кўра бошлагани, бу янгиланишлар минглаб оилалар ҳаёти, миллионлаб инсонларнинг онги, қалби ва дунёқараши ўзгаришига ҳам туртки бўлаётгани бунинг яққол исботидир. Президентимизнинг "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга кўтариши баробарида, ислоҳотлар таъсирчанлигини янада оширишга, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиши учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**ЎзА.**

# ҲАР БИР МУРОЖААТДА — ИНСОН ТАҚДИРИ

## Бунга Сенат қандай қарамоқда?

*Ҳаётда инсон бошига тушган ташвишлар ҳақида кўп эшитганмиз. Аммо Насибанинг тақдири бизни бефарқ қолдирмади. Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида туғилиб ўсган оддий оила қизи бўйи етиб, ҳамқишлоғи Ойбекка турмушга чиқди. Не-не умидлар билан қурилган оилани олдинда кўплаб машаққатлар кутарди. Бирин-кетин дунёга келган уч фарзанднинг икки нафари ногирон туғилди. Турмуш ўртоғининг топгани рўзғорга аранг етар, боз устига, жуфтликнинг ўз уйи йўқ эди. Ҳаммага маълум, ўзбекчиликда "ўз уйинг — ўлан тўшагинг" деган гап бор. Зеро, бу — шунчаки манзил, яшаш учун жой эмас, балки Ватан ичра кичик Ватан, ҳар бир оиланинг фаровонлиги, қолаверса, жамиятдаги мавқеининг асоси ҳисобланади. Узоқ муддатли сарсон-саргардонликдан сўнг Насиба Орзиқулова парламент юқори палатасига мурожаат этишга қарор қилди. Унинг аризаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан назоратга олинди.*

### Парламент ҳаёти

Пировардида оилага намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлардан бири имтиёзли асосда бериладиган бўлди. Бошланғич тўлови эса давлат томонидан тўланади. Шундай қилиб, яна бир оила уй-жой билан таъминланади.

Олий Мажлис юқори палатасига келиб тушган мурожаатлар орасида бу каби инсонлар бошига тушган ташвишларга мисоллар кўп учрайди. Улардан бири Зебунисо Алимованинг илтимосномаси. Аёлнинг шусиз ҳам абгор, анчадан бери таъмир кўрмаган хонадонига сариқ қурт — термитлар тушди. Турмуш ўртоғининг кун ўтарга топиб келаётган пулидан уч боласининг қорнидан бошқасига орттиролмай юрган онанинг бир ташвиши минг бўлди. Бу ҳақда кўпларга арзу илтимос қилди, шикоят йўллади. Бироқ ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмади. Сўнгги умид ва нажот билан Олий Мажлис Сенатига хат ёзди.

Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани, Қорабоғ маҳалласида истиқомат қилаётган З. Алимованинг илтимосномаси атрофлича ўрганилди. Республиканинг турли давлат ва жамоат ташкилотларига шу бўйича моддий ва амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан хат юборилди. Натижалар ўзини узоқ куттирмади.

— Кейинги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолиятида халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш муҳим мезонга айланди, — дейди Сенатнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Мусаев. — Давлатимиз раҳбари кўрсатмалари ва ташаббуслари асосида қонун ижодкорлиги ҳамда назорат фаолияти борасидаги ишларимизни сифат жиҳатидан янада яхшилаш жараёнлари давом эттирилмоқда. Шу мақсадда амалий чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Бунда асосий эътибор одамларнинг оғирини енгил қилиш, бизга келиб тушган ҳар бир мурожаатга жиддий ёндашув асосида мутасаддилар билан биргаликда ечим топиш, соғлиқни сақлаш, экология, коммунал хўжалик, таълим ёки бошқа соҳаларда уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга қаратиляпти. Ўтган йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига қарийб 9 мингта мурожаат келиб тушди. Ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор ва масъулият билан қаралди. Олиб борилган ишлар натижасида мурожаатларнинг катта қисми ўзининг ижобий ечимини топди.

Сенатга йўлланган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар турли масалалар, жумладан, уй-жой билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти юзасидан, бандлик ва тадбиркорликда учраётган тўсиқлар билан боғлиқ. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, ҳатто, юзлаб одамлар тақдири турибди. Бинобарин, улар билан ишлашда ўта жиддий масъулиятни ҳис қилиш шарт. Шундагина фуқароларнинг давлат ҳокимияти, жамият, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланади. Айни пайтда парламент юқори палатасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилишига устувор аҳамият бериляпти.

Сенат аъзолари фуқаролар билан очиқ амалий мулоқотларни олиб бориш орқали ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги муаммо ва камчиликларни чуқур ўрганяпти, уларнинг бартараф этилиши юзасидан парламент назоратининг таъсирчан механизмини татбиқ қилаётир, зарур ҳолларда, фуқароларга тушунтириш ҳамда тавсиялар берилмоқда. Юртдошларимиз арзи, ташвишлари битилган масалалар ижобий ечимини топиши баробарида, Сенатнинг назорат-таҳлил, қонунчилик фаолиятида ҳам унумли фойдаланиляпти.

Хусусан, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахт аҳолисидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан боғлиқ мурожаатлар кўпроқ бўлаётгани чуқур мушоҳадага чорлайди. Аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳаси билан боғлиқ масалалар кўтарилган мурожаатлар сони ҳам кўп. Мамлакатимиз жанубидаги воҳа вилоятларидан ҳам мурожаат этувчилар талайгина.

Сенат қўмиталари томонидан олиб борилган ишлар натижасида Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган Б. Эркинбоевнинг Мажбурий ижро бюроси орқали ундира олмаётган маблағи ўз вақтида тўлаб берилди. Қашқадарёлик М. Бозорованинг алимент пуллари ундирилди. Чироқчилик Д. Пирназарованинг оилавий шароитини инобатга олиб, тураржойи табиий офат туфайли зарар кўргани учун арзон уй-жой билан таъминланди. Самарқандлик С. Саксоновга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, буларнинг барчаси халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Лекин шуни айтиш керакки, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётганига қарамасдан, айрим ҳолларда уларни кўриб чиқиш масаласи ҳали ҳам пайсалга солинаётгани учраяпти. Бу эса такрорий мурожаатлар сонининг ортишига сабаб бўлади. Шуни назарда тутган парламент юқори палатаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида зудлик билан кўриб чиқиляпти. Унда кўтарилган муаммоларга вақтида ечим топишга ҳаракат қилинмоқда.

Халқимизнинг фаровон ҳаётини, фарзандларимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш учун барча имконият сафарбар этилиши шарт.

**Мунисхон КАРИМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НЕМИС САРМОЯДОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШИ НИМА САБАБДАН КЕСКИН ОРТДИ?

1

**"Nordkurier" газетасида** чоп этилган мақолада республикамиз сўнгги вақтда германиялик сайёҳлар учун ниҳоятда қизиқарли ва жозибадор ўлкага айланиб бораётгани эътироф этилади. Яқинда давлат раҳбари томонидан "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор имзолангани мамлакатда сайёҳлик соҳасида олиб борилаётган ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистонда туризм жабҳасида салмоқли ўзгаришларни кўзда тутади. Жумладан, виза тартиби янада енгиллаштирилаётир, сайёҳлар ва тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратилмоқда, кўплаб чеклов ва тақиқлар бекор қилиняпти.

Немис шарҳловчилари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонга саёҳат мақсадида ташриф буюрувчи Германия фуқаролари учун 30 кунга визасиз режим жорий этилишини "икки томонлама муносабатларда фундаментал бурилиш ясайдиган" қарорлардан бири сифатида қайд этади. Натижада немис давлатидан Ўзбекистонга келадиган сайёҳлар оқими кескин ортиши кутилмоқда. Бу пировардида ўзбек иқтисодиётининг ривожланишига, сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашиши ҳамда хизматлар сони ва сифати юксалишига асос бўлади.

Ўз навбатида, **"Westfälische Nachrichten" газетаси** Ўзбекистондаги ислоҳотлар "ортга қайтмас" хусусиятга эгалигини алоҳида таъкидлайди. Республика эркин бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат тамойиллари тарафдори эканлигини амалда намоён қилмоқда. Виза тартибининг соддалаштирилиши, солиқ, божхона ва молия тизими либераллашуви, ерга мулк шаклининг жорий қилиниши, кўплаб чекловларнинг бартараф этилиши — буларнинг барчаси мамлакат узоқ муддатга мўлжалланган ислоҳотларни бошлаганини кўрсатмоқда.

Шарҳловчиларнинг фикрича, қисқа муддатда Ўзбекистон туризмни ривожлантириш, чет эллик ҳамкорлар билан сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича катта ютуқларга эришди. Эндиликда республика барқарор иқтисодий ўсиш даврини бошлаб, амалга оширилган ислоҳотлар ўз маҳсулини бераётир.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Жорий йилда парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан бири бўлган Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият бериш, бу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун Олий Мажлис қошида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.*

# Давлат бюджети бошқармаси

**Фракцияда унинг ташкил этилишига оид таклифлар ишлаб чиқилди.**

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган мазкур масала Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилди. Қизғин саволлар ўртага ташланди.

— Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси бор, шу билан бир қаторда, бюджетнинг ижроси бўйича ҳисоб берувчи яна битта ташкилот — Ҳисоб палатаси бор. Ҳозир бюджет масалаларига тегишли бўлган учта ташкилот назарда тутиляпти. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Ҳисоб палатасининг ваколатлари, ҳуқуқларига ўзгартириш киритиладими ёки йўқми? Чунки айрим ҳолларда профессионал ёндашиш учун Бюджетномани қабул қилиш ва унинг назоратини амалга оширишда бу учта ташкилот бир-бирининг функциясини такрорлаб қолмайдими?

Фракция аъзоси Алишер Ҳамроевнинг ушбу саволларига депутат Абдурашид Тўхтабоев шундай жавоб берди:

— Жуда тўғри масала кўтарилди, — деди депутат. — Айтиш мумкинки, Ҳисоб палатаси давлат молиявий маблағларининг назоратини амалга оширадиган ва парламентга ҳамда Президентга ҳисобдор ташкилотдир. Қуйи палатадаги Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг вазифаси эса Давлат бюджетини қабул қилиш, депутатлик бирлашмалари, бошқа қўмита ва комиссияларда дастлабки тарзда кўриб чиқилган Бюджетнома бўйича хулоса тайёрлаб, ялпи мажлисга тақдим қилиш саналади. Бюджетнинг қабул қилиниши, ҳар чоракдаги ва йиллик ижросига ҳам қўмитанинг хулосаси асос бўлади. Қўмита — парламент назоратини амалга оширадиган ташкилот. Шунинг учун унинг ҳамда Ҳисоб палатасининг мақомига, вазифаларига, фикримча, ўзгартириш киритилмайди. Чунки Давлат бюджети бошқармаси бюджетни таҳлил қилиш, депутатларга, сенаторларга бу бўйича қўшимча материаллар, таҳлилий хулосалар, керак бўлса, эксперт хулосаларини олишда кўмаклашади. Бу жаҳон тажрибасида мавжуд амалиёт. Мисол учун, АҚШ парламенти қошида 1975 йилда парламент Бюджет бошқармаси ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари йилига ўнлаб иқтисодий таҳлилларни амалга ошириш, бюджет самарасини солиштириш орқали парламент аъзоларига ёрдам беришдан иборатдир.

Айни пайтда Давлат бюджети бошқармасининг мақоми аниқланиб, Низоми ва уни ташкил қилиш борасида парламент палаталарининг қўшма қарори ҳамда ташкилий тузилмаси лойиҳалари тайёрланди. Булар депутатлик бирлашмалари, қўмита ва комиссияларда қизғин муҳокама қилинаётир.

Ўз навбатида, фракция аъзолари томонидан ҳам мазкур лойиҳалар чуқур таҳлил этилиб, қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Уларнинг аксарияти бошқарманинг вазифаларини аниқ белгилаш, бюджет жараёнларида эксперт тадқиқотлари ўтказиш, бюджет-солиқ қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан реал таклифларни тақдим қилишдир. Шу асосда парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат ваколатларини амалга оширишга кўмаклашишга қаратилиши лозимлигини акс эттиради.

Қизғин кечган баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракциянинг ушбу масала юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ»
## МАМЛАКАТ РИВОЖИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

*Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилгача иқтисодиётни рақамлаштириш вазифасини қўйган. Президент Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратган. Ҳисоб-китобларга кўра, бундай ўтиш ЯИМни камида 30 фоиз ошириш ва коррупция даражасини кескин камайтириш имконини беради. Бинобарин, Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш назарда тутиляпти.*

Айни пайтда ушбу мавзу экспертлар доирасида, кенг жамоатчилик ва аҳоли ўртасида қизғин муҳокама қилиняпти. Баҳсли масалалар ҳам бор.

Шу маънода, айримлар “рақамли иқтисодиёт”га эришиш учун, биринчи навбатда, интернет тезлигини ошириш, ундан фойдаланиш учун республиканинг энг чекка ҳудудларида ҳам қулайлик яратиш зарур, деб ҳисоблашмоқда. Бошқаларнинг айтишича эса интернет — бундай ўтишдан кўзланган бирдан-бир мақсад эмас, аслида уни амалга ошириш учун майдондир. Рақамлаштириш ҳақида гапирганда, муайян давлат хизматлари, тартиб-таомилларини янада қулайроқ форматга ўтказиш тушунилади. Бинобарин, телефонлар, планшетлар, ноутбуклар ва бошқалар — булар иқтисодиётни янада жозибали, самарали ва илғор қилиш учун воситалардир.

“Рақамли иқтисодиёт”га ўтиш мамлакатга нима беради? Бу қандай рўй беради? Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари қўмитаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида ушбу масалалар муҳокама қилинди.

“Рақамли иқтисодиёт”ни жорий этиш, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон иқтисодиёти учун юксалишнинг ҳақиқий драйвери, юрагидир. Зеро, юксак интеллектуал салоҳият, илғор телекоммуникация инфратузилмаси, самарали фаолият юритадиган юқори технологияли корхоналарга эга мамлакатгина инновацион иқтисодиётни жорий қилиш ва уни янада ривожлантириш учун зарур муҳитни шакллантира олади.

Ҳозирги кунда депутатлар экспертлар билан ҳамкорликда Рақамли иқтисодиёт миллий концепцияси ва “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури лойиҳалари устида иш олиб боришяпти. Уларга мувофиқ, индустриал интернет, шунингдек, интернет орқали тижоратни равнақ топтириш, бизнес юритиш ва савдо учун кўп платформали майдон шакллантириш кўзда тутилаётир. Айни чоғда соғлиқни сақлаш, аҳоли ижтимоий ҳимояси, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм каби жабҳаларга замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базасини татбиқ этиш, қолаверса, “ақлли” ва “хавфсиз” шаҳарлар ҳамда ҳудудлар ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига “интеллектуал ҳукумат” тамойили асосида электрон давлат хизматларини кўрсатиш тизимларини янада кенгайтириш ҳам мўлжалланяпти.

Бу, биринчи навбатда, амалдаги қонунчиликка зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини талаб қилади. Ушбу нормалар фуқаролик истеъмолига смарт-шартномалар, ижтимоий электрон муроса, сунъий онг, криптовалюта каби тушунчалар ҳамда технологиялар жорий этилишини таъминлаши керак.

Қуйи палата қўмита раиси Илҳом Абдуллаев таъкидлаганидек, “рақамли иқтисодиёт”нинг жорий қилиниши аҳолининг рақамли маданиятини таъминлаш билан ҳам боғлиқдир. Одамларнинг кундалик ҳаётига кириши учун уларда рақамли ишонч пайдо бўлиши лозим. Депутат шу муносабат билан алоҳида дастур ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давра суҳбати якунида тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ.**

Татьяна МОСКАЛЬКОВА:

# «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда»



**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Татьяна Москалькова ўзаро ҳамкорлик ва унинг истиқболлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Бугунги кунда Россия ва Ўзбекистон муносабатларида жонланиш кузатилмоқда. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Президентларининг ўзаро ташрифларидан сўнг келишувларнинг улкан мажмуи яратилди. Улар эса аллақачон турли йўналишларда амалга ошириб келиняпти. Эътиборлиси, бугунги кунда икки мамлакатнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари учун ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам ҳар томонлама қулай муҳит яратилган.

Бундан 25 йил муқаддам собиқ иттифоқ давлатлари геополитик жиҳатдан янгидан тузишдек жиддий жараённи бошдан ўтказаётган бир пайтда омбудсман каби лавозим ҳаётга жорий этилишини тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди. Ҳатто қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот билан шуғулланадиган суд, прокуратура фаолият юритаётган бир пайтда бундай лавозим ўзи умуман, нега керак, деган саволлар ҳам пайдо бўлганди. Бугун, орадан чорак аср ўтиб, биз ушбу институт самарадор эканлигини кўриб турибмиз. Зеро, бундай мустақил орган баъзида корпоратив манфаатларни тўхтатиб, инсонга ўз ҳуқуқларини тиклаши учун ёрдам бера олиши ҳам мумкин. Инсон ҳуқуқлари соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда ва фуқаролар ўзларининг эркинликлари ҳамда манфаатлари бузилишининг олдини олиш нақадар зарур эканлигини англашяпти.

Айни пайтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ушбу йўналишда ҳам ҳал қилувчи қадамлар ташланяпти.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар равнақи инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда Россиянинг йирик олий ўқув юртлари, жумладан, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Москва пўлат ва қотишмалар институти, Н. Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети, И. Сеченов номидаги 1-Москва давлат тиббиёт университети, Москва архитектура университети филиаллари очилмоқда. Айни чоғда таълим жабҳасидаги ҳуқуқларни мустаҳкамлаш учун янги тизим яратилаётир. Биз Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан имзоланган меморандумда инсон ҳуқуқлари ҳимояси самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб олдик.

Ўзбекистоннинг 2,6 миллион фуқароси Россия Федерациясида меҳнат муҳожирлари ҳисобланади. Айни пайтда бу мигрантлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўплаб саволларни пайдо қилади. Шу маънода, биз ҳамкасбим, Ўзбекистон омбудсмани билан одамларга ёрдам бериш учун ўзаро ҳамкорликдаги воситалар мажмуига эга бўлишимиз лозим.

Имзоланган меморандум доирасида омбудсманга келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари белгиланди. Бу бир ойдан ошмайди. Ваколатли вакиллар бир-бирларига мурожаатлар, шу жумладан, дипломатик корпус ва бошқа идоралардан келиб тушганларини ҳам юбора олиш бўйича келишувга эришилди.

Ўзаро ҳамкорликда давра суҳбатлари, семинарлар, форумлар ташкил этиш, ахборот алмашишни йўлга қўйиш режалаштириляпти. Шунингдек, умумий режа бўйича ўзаро алоқа қилиш йўлларини белгилаб олдик. Умумий режада эса аниқ инсонлар тақдири турибди. Мисол учун, кимнидир Россиядан чиқариб юборишмоқда, аммо унда уйига етиб олиш учун пули йўқ. Шундай вазиятда нима қилиш керак? Биз дипломатларимизга ёрдам бериш, баъзан эса инсонга ўз яқинлари билан боғланиш, тиббий кўрикдан ўтиш учун ёрдам керак бўладиган пайтда жазони ижро этиш тизимида мустақил ҳаракат қилиш имкониятини топамиз.

Умуман олганда, меморандум икки мамлакат омбудсманлари ҳамкорлик олиб борадиган ўн йўналишдан таркиб топган.

Шунингдек, россиялик омбудсман, асосан, ягона стандартларни ишлаб чиқиш, тадқиқотлар тайёрлаш, мониторинг олиб бориш, статистик маълумотлар йиғиш соҳасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилади. Шу орқали одамлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш даражасини қандай баҳолашаётгани аниқлаб олинади.

Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтини мустаҳкамлаш ва умуман, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш жабҳасида қонунчилик жадал суръатларда ривожланаётганини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Ўзим учун эса вакил ҳузурида миллий превентив механизм амалиёти жорий этилишидек ижобий амалиётни инобатга олиб қўйдим. Зотан, бу жазони ижро этиш тизими устидан жамоатчилик назоратини ҳамда ота-онасию яқинларидан узиб қўйилган инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиради. Ўз навбатида, шу кунларда Россияда инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида марказ яратиш бўйича ишлар олиб боріляпти. Уни Кутафин номидаги Москва давлат юридик университети ҳузурида ташкил этиш кўзда тутилаётир. Бу икки марказ саъй-ҳаракатларини, шу жумладан, халқаро майдонда ҳам бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

Россия матбуоти:

# «МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ФАОЛЛАШУВИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПРАГМАТИК СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ АМАЛГА ОШМОҚДА»

1 ➡ Нашрда Стратегик баҳолаш ва прогнозлаш маркази бош директори ўринбосари Игорь Панкратенконинг фикрлари келтирилади. Унга кўра, Афғонистон билан савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш учун тинчлик зарур ва бунга фақат расмий Тошкент билан ҳамкорлик орқали эришилиши мумкин.

Чунки Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик барқарор бўлиши йўлида фаол қадам ташлаяпти. Экспертнинг билдиришича, Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида расмий Кобул ва “Толибон” ўртасидаги музокараларда яраштириш стратегияси ташаббускори, шунингдек, Афғонистон масаласи билан боғлиқ ташқи иштирокчилар — Теҳрондан Вашингтонгача, Нью-Деҳлидан Пекингача боғлиқ манфаатларнинг умумий якдиллигини таъминлашда алоҳида ўрин тутмоқда.

Нашрнинг “Независимая газета-Дипкурьер” деб номланувчи иловасида эса “Марказий Осиёда аслида нималар содир бўляпти?” сарлавҳали материал чоп этилди.

Унда сўз юритилишича, минтақада ҳамкорликнинг жадаллашувига айни пайтда барча мамлакатлар алоҳида эътироф этаётган Президент Шавкат Мирзиёевнинг янгиланган ташқи сиёсати асосий омил бўляпти. Йиллар мобайнида тўпланиб қолган минтақавий муаммолар ҳал этилиши, қўшничилик муносабатлари яхшиланиши, сиёсий ишончни тиклаш ва ўзаро манфаатли савдо алоқаларини ривожлантиришдан нафақат Ўзбекистон, балки барча мамлакатлар манфаатдор эди. Шунинг учун Марказий Осиёдаги вазият шиддат билан ўзгариб бормоқда.

“Савдо муносабатлари кучайишидан барча фойда кўради. Минтақавий ҳамкорлик туфайли аниқ муаммолар ҳал қилинмоқда... Бугунги кунда Марказий Осиёда кузатилаётган воқеликлар минтақани янада барқарор, иқтисодий жиҳатдан фаровон ва яхши истиқболга етаклайди”, дея алоҳида қайд этилади мақолада.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати ҳақида гапирганда, нашрда келтирилишича, “Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиёти Афғонистон Ислом Республикаси тақдири билан узвий боғлиқдир”. Президент Шавкат Мирзиёев бир неча марта таъкидлаганидек, Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бу замонавий ўзбек сиёсатининг Афғонистонга нисбатан моҳиятидир”.

Расмий Тошкентнинг ушбу йўналишдаги сиёсати Афғонистон ҳудудида тинчликни, қўшни давлатнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан муҳимдир. Бу Марказий Осиёни Афғонистон орқали Эрон ва Покистон билан портлар орқали боғлайдиган ўзаро манфаатли транспорт лойиҳаларини амалга ошириш учун шароит яратади, дейилади “Независимая газета-Дипкурьер” нашрида.

**«Дунё» АА.**
Москва

# СОҒЛОМ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?
## УНДА БАЛИҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ



*Эътибор берганмисиз, дунёда энг узоқ умр кўрувчи одамларнинг аксарияти океан ва денгизга яқин мамлакатлар аҳолиси ҳисобланади. Хўш, нега шундай? Мутахассислар буни уларнинг ўзига хос овқатланиш рациони билан боғлашади. Сабаби денгиз маҳсулотлари инсон умрини узайтирувчи ва саломатлигини таъминловчи фойдали унсурларга ниҳоятда бой! Шунинг ўзиёқ бундай неъматлар, хусусан, балиқ истеъмол қилишнинг нақадар фойдали эканлигидан далолат эмасми? Тиббиётчилар эса рақамлар орқали шундай тавсия беришади: ҳар бир киши йил давомида ўртача 14 — 16 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари тановул қилиши лозим.*

Аммо... Очиғини айтиш керак, охирги 10 — 20 йил мобайнида инсон саломатлиги учун кони фойда бўлган балиқ кундалик овқат рационимиздан деярли чиқиб қолган эди. Бунинг бир нечта сабаблари бор, албатта. Бироқ бугун юртимизда ана шу салбий тенденцияга барҳам беришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари айнан шу мақсадлар рўёбига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда 2016 йилда 65 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, бир йил ўтиб, бу кўрсаткич 28 фоиз ошди. Охирги йилда балиқчилик хўжаликлари сони 750 тага кўпайди. Жорий йилда эса балиқ етиштириш ҳажмини 150 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Бундан кўринадики, сўнгги пайтларда мазкур тармоқда, сал бўлса-да, ижобий силжишлар мавжуд. Муҳими, бу билан чекланиб қолинмаяпти.

Шуниси эътиборлики, бугун балиқчиларимиз четдан импорт асосида келтирилган хонбалиқнинг лосось, форель, осётр каби ноёб турларини кўпайтириш тажрибасини ҳам ўзлаштиришмоқда. Яъни эндиликда ана шундай ноёб ва харидоргир балиқлар ўзимизнинг дарё ва сув ҳавзаларимизда кўпайтирилиб, истеъмолчиларга етказиб беріляпти.

### Билим ва тажрибадан ташқари яна нима керак?

Хонбалиқлар жой танлайди. Яъни улар ҳар қандай ҳавзада яшаб кетолмайди. Улар тоза, чучук ва салқин дарё сувларини хуш кўрувчи нозиктаъб тур сирасига киради. Шу боис уларни парвариш қилиш катта эътибор ва меҳнат талаб қилади. Шунинг учун бундай балиқ хўжаликларини ҳамма жойда ҳам учратавермаймиз. Фақатгина тоғ ва тоғолди ҳудудлардагина уларга хос шароитлар мавжуд.

“Қаловини топса, қор ҳам ёнади”, деганларидек, Ўзбекистонда хонбалиқнинг барча турини кўпайтираётган уддабурон тадбиркорлар йўқ эмас. Шундай тадбиркорлик субъектларидан бири Тошкент вилоятининг Ўртасарой қўрғони ҳудудида жойлашган.

Гап шундаки, бу ерда барпо қилинган сунъий сув ҳавзаларида қимматбаҳо осётр балиғи етиштирилмоқда. Сув ҳавзасидаги балиқлар учун тоза сув махсус ускуна ёрдамида ер остидан тортиб олиниб, кислородга тўйинтирилади. Шундан кейингина ҳавзага қуйилади.

Бундан ташқари, сув ҳар соатда тўлиқ алмаштириб турилади. Ҳарорат доимий назорат остида. Балиқлар ҳар куни бир неча марта балиқ унидан тайёрланган аралашма билан озиқлантирилади.

— Бизда осётрнинг беш тури парваришланади, — дейди хўжалик мутахассиси Александр Шарафиев. — Дастлаб 200 та балиқ олиб келиб, икки йил давомида россиялик мутахассислардан уни парваришлаш сирларини ўргандик. Ҳозирги кунда 300 тоннага яқин осётр балиқларини етиштиряпмиз.

Осётр балиғи ҳақида сўз юритар эканмиз, броконьерлар сабаб улар табиий шароитда қирилиб кетиш даражасига келиб қолганини таъкидлаш жоиз. Гўштининг хуштаъмлиги ва ўта фойдалилиги уни даромад манбаига айлантириб қўйди. Қолаверса, бу балиқлардан кўп миқдорда увулдириқ олиш, сифатли балиқ елимини тайёрлаш мумкин. Шунинг учун осётрларга бўлган талаб юқорилигича қолмоқда. Бугун юртимиз савдо расталарида ҳам хонбалиқлар анча кўпайиб қолган. Чунки аста-секин бўлса-да, истеъмолчи унинг устун жиҳатларини фарқлай бошлади. Талаб ошяпти.




Ҳозирги кунда ушбу балиқнинг жаҳон бозоридаги нархи 15 АҚШ доллари атрофида. Юртимизда уларни етиштириш йўлга қўйилганидан сўнг қарийб икки баробар арзонлашди. Бир килограммини 60 — 65 минг сўмга харид қилиш мумкин.

Чирчиқ дарёсининг чучук ва экологик тоза суви хонбалиқ етиштириш учун жуда қулай. Бўстонлиқ туманида бугун ана шу инъомдан унумли фойдаланиш мақсадида сув бўйида замонавий балиқчилик хўжалиги ташкил этилиб, махсус ҳалқаларда лосось балиқлари кўпайтирилмоқда.

Табиатда лососнинг кўп турлари учрайди. Сёмга, горбуша, кета ва форель балиқларини ҳам умумий тарзда лосось деб атаймиз.

Мазкур балиқнинг бу ерда боқилаётганига сабаб, тоққа, яъни табиий сувга яқинлигидир. Бу эса уни кўпайтириш учун айни муддаодир. Ушбу балиқни етиштиришдан мақсад, табиийки, аҳоли дастурхонига қулай нархларда балиқ етказиб беришдир. Чунки хориждан келтирилган ушбу турдаги балиқ нархи 200 минг сўмга тўғри келса, хўжаликда эса 50 — 60 минг сўм атрофида етказиб беріляпти.

Албатта, бугун балиқ икрасига талаб юқори. Шуни инобатга олиб, бу ерда балиқ икралари нафақат инкубация мақсадларида, балки истеъмол учун ҳам тайёрланмоқда. Муҳими, улар сертификатланган, сифатли, қонуний ва барча талабга амал қилинган ҳолда ишлаб чиқариляпти.

Шу ўринда балиқ танлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Мутахассислар балиқ харид қилаётганда, аввало, унинг жабраларини синчковлик билан текширишни тавсия этишади. Чунки уриниб қолган балиқнинг нафас олиш органлари кулранг ёки жигарранг тусда бўлади. Ёки танасини бармоғингиз билан эзиб кўринг. Янги балиқнинг гўшти қаттиқ, тангалари ялтираб туради. Шунингдек, қорачиғи тиниқ, сузгичлари бутун бўлади.

Балиққа, одатда, “луқмаи ҳалол”, деб таъриф берилади. Гарчи денгизу океанлардан олисда бўлсак-да, балиқ етиштиришнинг сунъий усулларини жорий этиш орқали соҳани ривожлантириш мумкинлиги амалда ўз исботини топмоқда. Муҳими, уни кўпроқ таомларимиз таркибига қўшиб истеъмол қилишни канда қилмасак бўлгани.

### Фойданинг ҳаммаси шунда

Қайд этганимиздек, балиқнинг инсон организми учун фойдаси беқиёс. Масалан, у мия фаолияти ва юракда қон айланишини яхшилайди. Иммунитетни бақувват қилади. Терини ёшартириш хусусиятига эга. Болаларнинг ақлий салоҳиятини оширади.

Балиқ мойи таркибида тўйинтирилмаган ёғ кислоталари: омега 3 ва омега 6 мавжуд. Шунингдек, унда пальмитин ва олиен кислоталари, ёғни эритувчи А, Е ва Д витаминлари ҳамда йод, фосфор, темир, марганец, бром, хлор, магний, кальций моддалари бор. Ортиқча ёғдан сақланиш лозим бўлган пайтда қўрқмасдан осётр, форель ёки лосось балиқларини истеъмол қилишингиз мумкин. Зеро, балиқ гўшти парҳезбоп бўлиши билан бирга, минерал озуқаларга жуда бойдир. Буни сизга исталган шифокор тавсия қилиши аниқ.

— Чиндан ҳам, бу турдаги балиқлар шу жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради, — дейди Тошкент тиббиёт академияси кафедраси ассистенти Фазилат Шукурова. — Яъни уларда танамиз енгил ўзлаштира оладиган барча турдаги оқсиллар мавжуд.

Кўриниб турибдики, буларнинг барчаси инсон учун нафақат фойдали, балки зарур унсурлардир. Шундай экан, балиқ, айниқса, хонбалиқларни кўпроқ тановул қилинг, соғлом бўласиз.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти **Пўлат САИДҚОСИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ЯХШИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ БИТТА

*Яқинда университетимизга биокимё бўйича халқаро Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжар ташриф буюрган эди. Ўқув юртимизда яратилган шарт-шароитлар, таълим-тарбия ишларининг олиб борилиши билан яқиндан танишгач:*

*— Бу юртдан жаҳонга машҳур олиму уламолар етишиб чиққани бежиз бўлмаган экан, — деди мамнуният билан. — Ҳозир сизларда таълим-тарбияга берилаётган жиддий эътибор яна ўша азалий ўзанларга қайтишга асос яратади.*

*Дунё миқёсида юксак обрў-эътиборга эга олимнинг бундай эътирофини эшитиш, албатта, биз учун жуда ёқимли бўлди.*

## Эҳтиром

Давлатимиз раҳбари амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида одатдагидек бу гал ҳам аждодларимизга муносиб ворислар бўлишимиз кераклиги, таълим-тарбия, илм-фан масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ўқув даргоҳимиз ҳудудида буюк мутафаккир Конфуций ҳайкалининг ўрнатилиши ва ёдгорлик атрофида ташкил этиладиган майдон билан танишар экан, Президентимиз мазкур масканни янада мукаммаллаштириш борасида қимматли тавсиялар берди. Бу жаҳон тамаддунига ҳисса қўшган мутафаккирлар таълимотларидан ҳам баҳраманд бўлишимиз кераклигининг амалий ифодаси сифатида бизда ёрқин таассурот уйғотди. Негаки, дунёнинг илғор таълимотлари қадимдан ўлкамизда маълум бўлган.

Аждодларимиз турли халқларнинг илмий ютуқларини ўрганиб, жаҳоний эътирофга сазовор бўлган илмий мерос қолдиришган. Айниқса, Хитой халқлари билан турли соҳалардаги муносабатларимиз чамбарчас боғланиб кетишида Буюк Ипак йўлининг асосий қисми юртимиз ҳудудидан ўтгани кучли ижобий таъсир кўрсатган.

Маълумки, қадим замонларда савдо карвонлари халқлар ўртасида фақатгина моддий бойликлар алмашинуви воситаси бўлиб қолмай, маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилган. Турли-туман матолар, қимматбаҳо ашёлар билан бир қаторда, тафаккур маҳсули бўлган китоблар савдо карвонлари орқали муҳим тажрибаларни мамлакатлар ва қитъалар орқали узатиб туриш имкониятини берган. Шу асно буюк аждодларимиз таълимотлари ўзга юртларга етиб боргани сингари хитойлик Конфуций, Лао-Цзи сингари алломаларининг таълимотлари юртимизга кириб келгани ҳақида тарихий маълумотлар гувоҳлик беради. Самарқанд Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим маданий марказлардан ҳисобланган. Илмий-фалсафий фикрларни мужассам этган тамаддун марказларидан бири эканлиги, умумжаҳон қадриятлар шаҳри сифатида эътироф этилгани Конфуций таълимотининг бу шаҳарга етиб келишини тезлаштирган. Самарқанд маданият, иқтисодий муносабатлар, таълим-тарбия ривожланган пойтахт бўлиши билан бир қаторда, унда муваффақият билан фаолият кўрсатган мадрасаи олияларда дунё мутафаккирларининг илғор ғоялари таҳсил режаларидан ўрин олган. Самарқанд уламолари, олиму мутафаккирлари Конфуций таълимотининг етакчи ғоялари билан мукаммал таниш бўлиб, уларнинг асосийларини талабаларга етказиб келганлар. Хусусан, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида мужассам этган Улуғбек мадрасасининг ўқув жараёнида инсон ва жамият, эстетик тарбия масалаларига оид таълимотлар Конфуций фалсафаси асосида шаклланган. Унинг рационализми инсон ақл-идрокига таянган. Шу сабабли Шарқнинг буюк алломалари Конфуций фалсафасига катта эҳтиром билан қарашган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жамиятимиз ҳаётига янгича руҳ, тоза ҳаво олиб киргани ҳолда, дунё халқлари билан маданий-гуманитар алмашинувни янада чуқурлаштириш, маданий меросни асраш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари қадимий ўзанларимизга қайтишимизга кенг йўл очиб берди. Университетимиз хиёбонида улуғ алломага ҳайкал ўрнатилиши, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилиши Конфуций даҳосига эҳтиромгина бўлиб қолмасдан, Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги маданий, маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шарқ алломалари каби ибратли ҳаёт кечирган Конфуцийнинг оғзаки тарзда ёйилган таълимотида илгари сурилган фалсафий, диний-ирфоний, ижтимоий-ахлоқий фикрлар ислом олами мутафаккирлари қарашлари билан ҳамоҳанг эканлиги ёшларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг шу кунгача етиб келган барча асари шогирдлари томонидан ёзиб олинганлиги туфайли уларнинг аксарияти "Конфуций айтади", "Устоз дейдики", "Муаллим шундай дейди" қабилидаги сўзлар билан бошланади. Алломанинг "Инсоннинг ранги, эътиқоди турлича бўлиши мумкин, лекин яхшиликнинг илдизи биттадир" сингари сермазмун ҳикматлари эса барчага баробарлиги билан қуёш нурлари каби она заминимизнинг ҳамма гўшасига бирдек таралиб, нур сочиб туради.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори,**
**техника фанлари доктори, профессор.**

### Китоб жавонингизга




*Иқтисод фанлари доктори, профессор Муртазо Раҳматов ва биология фанлари доктори, профессор Бакриддин Зарипов ҳаммуаллифлигида, "Халқ сўзи" газетаси ҳамкорлигида тайёрланган "Билимсизлик — инсоният учун энг қоронғу тундир" деб номланган рисола Хитойнинг буюк донишманди Конфуций ҳаёти ва унинг ҳаётий қарашларини ўзбек китобхонларига етказишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Муаллифларнинг ҳар иккиси ҳам Нью-Йорк фанлар академияси академиги эканлиги ўзбек илм-фани ҳам бугунги кунда дунёвий миқёс касб этаётганини намоён этади. Мазкур асардан ўрин олган Конфуций ҳикматларидаги илму дониш эзгулик, яхшилик, олижаноблик, хотиржамлик фазилатларини тарбиялашга хизмат қилади.*

Одамлар сени билмаганидан хафа бўлма, сен одамларни билмаганингдан хафа бўл.

**Жароҳатларни унут, лекин зинҳор яхшиликни эсдан чиқарма.**

Агар инсон йўлга мақсадсиз чиқса, қадам босар-босмасданоқ фалокатга йўлиқади.

**Аслида ҳаёт оддий, уни ўзимиз мураккаблаштирамиз.**

Бутун умр қоронғиликни қарғаб ўтиш мумкин, айни чоғда кичкина шам ҳам ёқиш мумкин.

**Олижаноб инсон ўзига, пасткаш бошқаларга талаб қўяди.**

Иллатлардан эртага эмас, бугун воз кечиш керак.

# ХАЛТАЕВМИ ЁКИ ХОЛТОЕВ?

## Одам ўз исми шарифидан уялиши эмас, ғурур туйиши керак.

*Она тилимизда кўп ижобий маънолар кашф этадиган исмларимиз — буюк аждодлардан қолган мерос. Табиатда ўрмонни тоғ, кўлни дала деб атаб бўлмагани каби кишилик жамиятида исмларни нотўғри ёзиб ҳам, талаффуз қилиб ҳам бўлмайди. Турли динларда расуллар, набийлар исмларини такрорлаш орқали ибодат этувчилар руҳий осойишталикка эришадилар. Айрим халқларда эса исмлар улар тарихи тадрижийлигини намоён қилади. Ижтимоий аҳволини акс эттиради.*

## Мушоҳада

Масалан, соҳибқирон Амир Темур ёинки Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида "қул" сўзи билан тугайдиган исмни топа олмайсиз. Соҳибқироннинг ўзини ҳам ёшлигидан "Темурбек" деб чақиришган. Биз билган "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома"ларда хато ёзилган исмлар туфайли қанчадан-қанча кишилар хижолат чекиб, кимликларини ҳалиҳануз билолмай юришгани ҳам рост.

Эрнест Бегматовнинг 1998 йилда "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган "Ўзбек исмлари" китобида "Исми шарифлар билан алоқадор муаммоларнинг ҳал бўлиши кўп жиҳатдан "Бахт уйлари", қишлоқ кенгашлари йиғинлари ва паспорт бўлимларида номларни расмий ҳужжатларда қайд этувчи кишиларнинг мутахассислик малакаси ва имловий савиясига боғлиқ. Улар фуқароларнинг исми шарифларини қайд қилиш ва тўғри ёзишда оқилона иш тутишлари, ўз шахсий мулоҳазаларига ёки баъзи нотўғри маълумотларга ёпишиб олмасликлари лозим", деган мулоҳазага дуч келамиз. Аслида бу гаплар китобга ёзилмаса ҳам, барчага аён ҳақиқат. Аммо...

Ҳамма гап ана шу "аммо"да. Авваллари-ку, тил билмас ўзга миллат вакиллари шундай хатоларга йўл қўйишган экан, бироқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, орадан ўнлаб йиллар ўтиб ҳам бундай нохуш ҳолатлар такрорланишининг сабаби нимада? Лоқайдликда!

Давлатимиз раҳбари бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайдиган ярамас иллат сифатида таъкидлаган лоқайдликда. Шу лоқайдлик туфайли "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома"да озод юртнинг фарзанди бўлиб дунёга келган чақалоқларнинг исми шарифини ёзишда ота-онасининг паспортларидан (имловий хатоларини ҳам) айнан кўчирган ҳолда ёзишмоқда. Бу болалар эртага улғайиб, уларнинг ёқаларидан тутишса, нима деб жавоб беришади? Бундай масъулиятли вазифаларда фаолият кўрсатаётганлар махсус ўзбек тили курсларига бошқа жойларда бўлгани каби ўз маблағлари эвазига ўқиб, синовдан ўтмасалар, хатоларининг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлигини фаҳмламай юраверадилар.

Бундай қўпол имловий хатоликлар бошқа ҳужжатларда ҳам давом этаётир. Ҳар куни юртимизда минглаб ўғил-қизларга "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома" берилмоқда. Ўша ҳужжатга қараб "Фуқаролик паспорти", "Ўрта маълумоти тўғрисида шаҳодатнома", "Никоҳ қоғози", ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом (аксарият илмга чанқоқ инсонлар икки-уч ўқув юртидан диплом олмоқдалар), "Ҳарбий билет", партия ёки уюшмага аъзолик билети, "Ҳайдовчилик гувоҳномаси", "Техпаспорт", "Меҳнат дафтари", "Уй дафтари", даволаш муассасаларидаги махсус дафтарлар ва ҳоказолар янгидан ёзилаётир. Булардан ташқари, ҳар куни сон-саноқсиз тураржойдан маълумотнома, иш жойидан маълумотнома, тавсифнома, меҳнатга лаёқати бор ёки йўқлиги ҳақида варақа, тўловномалар, хизмат сафари гувоҳномаси, нотариус ва бошқа ҳуқуқий идоралардан муҳим ҳужжатлар олинади. Корхоналарда ҳисобчи, кадрлар бўлими, хазиначи ёзиб тўлдирадиган ҳужжатларга ҳам исми шарифингиз ёзилиши зарур. Албатта, паспортдагидек ёзилиши шарт. Ана энди бошда, масалан, Холтоев Тоҳирнинг бир марта "адашиб" ёзилган "Халтаев Тахир"и қанчадан-қанча ҳужжатларда такрорланиб, исм эгасининг таҳқирланишини кўз олдингизга келтиринг!.. Биргина лоқайдлик туфайли келиб чиққан арзимасдек туюлган бу хатонинг миллий ғурур ва ижтимоий воқеликка дахлдорлик муносабатини алоҳида мавзу, деб ўйлаймиз.

Бундай нозик муаммони ижобий ҳал этиш учун ҳуқуқий асосимиз етарли. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни 15-моддасида "Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар", деб ёзиб қўйилган. Миллий исми шарифларнинг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилган. Ўзбекона исми шарифлар бошқа тилларда берилганда, айни чоғда дунёга машҳур кишиларнинг исми шарифлари ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолиниши зарур. Исми шарифларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилиши шарт. Одилона қонунларимизга монанд исми шарифларимизнинг тўғри ёзилиши учун "махсус маълумотнома" ҳам дунё юзини кўрди. Бу "Ўзбек исмлари" қомусий китоби эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Унда исмларнинг лотин алифбосида ёзилиш тартиби ҳам кўрсатилгани айни муддао бўлган.

Шу ўринда "Адолат" нашриёти томонидан Ғафур Абдумажидовнинг 1999 йилда чоп этилган "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунига шарҳлар" рисоласини ҳам эслаб ўтиш жоиз. Унда ўзбек исми шарифларида анъанавий, умумтомонидан қабул қилинган ўзбек имлоси нормаларини сақлаб қолиш зарурлиги уқтирилган. Масалан: Жўраев, Эргашев, аммо "Джураев", "Иргашев" эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳам ҳар бир фуқаронинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари етарли даражада кафолатланган. Шундай экан, ҳозир вақти-вақти билан фуқаролик паспортларимиз алмашиб турганидан фойдаланиб, исми шарифларни тўғрилаб ёзишни йўлга қўйиш керак. Нотариал, суд ва бошқа масалаларда эски (яъни бузилган) исми шариф ҳақида илова маълумот берилса бўлади. Энг асосийси эса дунёга келаётган ўғил-қизларнинг исми фамилиясини "Туғилганлик ҳақида гувоҳнома"га биратўла тўғрилаб ёзиш керак! Унга қараб мактабдаги журналга айнан кўчирилади. Сўнг ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномага тўғри ёзилади. Бошқа ҳужжатлар ҳам шу тариқа тўлдириб бориладилар.

> Ҳуқуқий-демократик давлатимизда ҳар бир инсон, унинг шаъни ва қадр-қиммати қонун йўли билан муҳофаза этилар экан, бизнинг кимлигимизни англатиб турувчи исми шарифларимиз ҳам "Давлат тили ҳақида"-ги Қонунда белгилаб қўйилган тартибда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

# ОСИЁ КУБОГИ НИМЧОРАК ФИНАЛ ЖУФТЛИКЛАРИ НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ






*Футбол бўйича Осиё кубоги плей-офф йўлланмасини қўлга киритган барча жамоалар номи маълум бўлди. Қуйида уларнинг номи, ўтказилиш санаси ҳамда вақти билан танишишингиз мумкин.*

**20 январь, якшанба**
Иордания — Вьетнам 16:00
Таиланд — Хитой 19:00
Эрон — Ўмон 22:00

**21 январь, душанба**
Япония — Саудия Арабистони 16:00
Австралия — Ўзбекистон 19:00
БАА — Қирғизистон 22:00

**22 январь, сешанба**
Жанубий Корея — Баҳрайн 18:00
Қатар — Ироқ 21:00

**Учрашувларнинг бошланиши Тошкент вақти билан кўрсатилган.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ**

*Судьялар олий мактаби қуйидаги бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади.*

**Кафедра мудири лавозимига:**
1. Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси — 1 ўрин.
2. Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси — 1 ўрин.
3. Жиноят ҳуқуқи кафедраси — 1 ўрин.
4. Маъмурий ҳуқуқ кафедраси — 1 ўрин.
5. Касбий кўникмалар кафедраси — 1 ўрин.

**Ўқитувчи лавозимига:**
1. Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
2. Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
3. Жиноят ҳуқуқи кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
4. Маъмурий ҳуқуқ кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
5. Касбий кўникмалар кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

**Ўқув-методик бўлимига:**
1. Бўлим бошлиғи — 1 ўрин.
2. Бош мутахассис — 1 ўрин.
3. Етакчи мутахассис — 1 ўрин.

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирилмай топширилиши лозим.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар муассаса директори номига ариза берадилар, шунингдек, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси ҳам илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари ҳамда илмий ишлар рўйхати, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби кадрлар бўлими.**
**Маълумот учун тел.: 71-278-51-27. Эл. почта: tm_devon@mail.ru**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

*2018/2019 ўқув йилига доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёрлар бўйича танлов эълон қилади.*

**Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар факультети бўйича:**
- Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр.
- Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси: ўқитувчи-стажёр.
- Математика кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр.
- Табиий фанлар кафедраси: доцент.
- Муҳандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи.
- Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш кафедраси: катта ўқитувчи.

**Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:**
- Автомобиль транспорти эксплуатацияси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Экология ва ички ёнув двигателлари кафедраси: ассистент.
- Транспорт логистикаси кафедраси: ассистент, ўқитувчи-стажёр.
- Тиллар кафедраси: ўқитувчи.

**Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:**
— ректор номига ариза;
— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— маълумотнома (объективка);
— диплом ва аттестатлар, илмий даража ва илмий унвон нусхалари;
— малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
— илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
— паспорт нусхаси.

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.**

**Эслатма:** ***мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича фаолияти ҳақида кафедрада ҳисобот берадилар. Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказадилар.***
**Манзил:** ***Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, ходимлар бўлими, 302-хона. Телефон: 71-232-15-29.***

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6